

# **2018 йилда Каттакўрғон шаҳрида амалга оширилган ишлар ҳамда 2019 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар тўғрисида**

## **МАЪЛОУМОТ**

### **Маҳаллий бюджет.**

**2018 йилда.** Маҳаллий бюджет даромадлар режаси **15 млрд. 326 млн.сўмга** белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **15 млрд.714 млн.сўм** ёки режага нисбатан **102,5 фоизга** бажарилди. Тасдиқланган режага нисбатан **+388 млн.сўмга** кўп солиқлар туширилишига эришилди.

Контингент **55 млрд 947 млн сўмга** белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **66 млрд. 355 сўмга** ёки режага нисбатан **118,6 фоизга** таъминланди (**+10 млрд 408 млн.сўм**).

**2019 йилда.** Даромадлар режаси **22,0 млрд сўмга**, харажатлар режаси **11,2 млрд сўмга** тасдиқланган. Трансферт **77,4 млрд.сўмни** ташкил қилиб, харажатларнинг **87,4 фоизига** тўғри келади.

Умумий харажатларнинг **36,7 млрд. сўми** (42,0 фоизи) Халқ таълими, **11,0 млрд. сўми** (12,4 фоизи) мактабгача таълим, **28,3 млрд сўми** (31,9 фоизи) соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилади.

### **Экспорт.**

**2018 йилда** жами **11 млн. долларга** экспорт режаси белгиланган бўлиб, амалда **5 млн. 364 минг долларга** ёки **49 фоизга** йиллик режа бажарилди. Шундан, саноатда **3 млн. 945 минг доллар** ҳамда қишлоқ хўжалигида **1 млн. 419 минг долларлик** экспорт операциялари амалга оширилди.

**2017 йил якунига** нисбатан худудий экспорт хажми **+754 минг долларга** кўпайган.

**2019 йилда** жами саноат махсулотлари учун **5 млн. 647 минг долларга** экспорт режаси белгиланган

### **Тадбиркорлик фаолияти.**

2019 йилнинг 1 январ холатида жами **770 та** кичик бизнес корхоналари мавжуд булиб, шундан фаолият кўрсатаётган корхоналар **743 тани** (**96,5 фоизни**), фаолият кўрсатаётган корхоналар **27 тани** (**3,5 фоизни**) ташкил килди.

Жами рўйхатга олинган корхоналарнинг **51 таси** қишлоқ хўжалиги, **177 таси** саноат, **230 таси** савдо, **38 таси** ташиб ва

саклаш, **65 таси** овқатланиш, **9 таси** алока, **19 таси** согликни сақлаш, **181 таси** бошқа соҳаларга түғри келади.

**27 та** фаолият кўрсатмаётган субъектлар мавжуд бўлиб, шундан **7 таси** саноат, **4 таси** қишлоқ хўжалиги, **8 таси** савдо, **2 таси** қурилиш, **1 таси** ташиш ва сақлаш, **2 таси** хизмат кўрсатиш ва **3 таси** бошқа соҳалардаги тадбиркор ҳисобига түғри келади.

### **Мақсадли дастурлар.**

#### **2018 йил амалга оширилган лойиҳалар.**

2018 йилда Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш худудий дастурлари доирасида жами **65 та** лойиҳа (*саноат йўналишида-22 та, хизмат кўрсатиш йўналишида-43 та лойиҳалар*) лар ишга туширилиши натижасида **700 га** яқин янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур худудий дастурлар доирасида ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан **61,1 млрд.сўм**, тижорат банк кредитлари ҳисобидан **30,6 млрд.сўм** ҳамда хорижий инвестициялар ҳисобидан **800,0 минг** доллар лик жами **94,0 млрд.сўмлик** маблағлар ўзлаштирилди.

Шундан, **саноат йўналишида** 22 та лойиҳаларга **70,3 млрд.сўм**, **хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида** 43 та лойиҳаларга **23,7 млрд.сўм** миқдорида маблағлар йўналтирилиши орқали худудий дастур ижроси таъминланди.

Бунинг натижасида маҳаллий бюджетга қўшимча иш ҳақи фондидан қарийиб **1,0 млрд.сўм** ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдан ажратиладиган ажратмалар ҳисобидан **4,5 млрд.сўмга** яқин жами **5,5 млрд.сўм** миқдорида қўшимча маблағлар туширилишига эришилди.

Янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши орқали худудий экспорт салоҳиятини ошишига ҳамда экспорт географиясини кенгайишига эришилиб, дастурлар доирасида янгитдан ишга туширилган лойиҳалар ҳисобига ўтган 2018 йил якуни билан қарийиб **2,0 млн.долларлик** экспорт операцияси амалга оширилди.

### **2019 йил кутилиши.**

Шунингдек, 2019 йилда худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари доирасида жами **70 та** лойиҳа (*саноат йўналишида-15 та, хизмат кўрсатиш йўналишида-42 та, қишлоқ хўжалиги йўналишида-13 лойиҳалар*) лар ишга туширилиши натижасида **860 га** яқин янги иш ўринлари яратилиши кўзда

тутилган. Мазкур худудий дастурлар доирасида жами **132,0 млрд.сўмлик** маблағлар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Шундан, саноат йўналишида 15 та лойихаларга **56,0 млрд.сўм**, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида 42 та лойихаларга **43,8 млрд.сўм** ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишида 13 та лойихаларга **32,2 млрд.сўм** миқдорида маблағлар йўналтирилиш режалаштирилган.

Бунинг натижасида маҳаллий бюджетга қўшимча иш ҳақи фондидан қарийиб **1,8 млрд.сўм** ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдан ажратиладиган ажратмалар ҳисобидан **6,5 млрд.сўмга** яқин жами **8,3 млрд.сўм** миқдорида қўшимча маблағлар туширилишига эришилади.

Янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши орқали худудий экспорт салоҳиятини ошишига ҳамда экспорт географиясини кенгайишига эришилиб, дастурлар доирасида янгитдан ишга туширилган лойихалар ҳисобига ўтган 2019 йил якуни билан қарийиб **3,5 млн.долларлик** экспорт операцияси амалга оширилиши кўзда тутилган.

### **Каттақўрғон шаҳрининг Демографик ҳолати ва аҳоли жон бошига кўрсаткичлар бўйича.**

Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига **87,3 минг нафарни аёллар 43,7 минг нафар, эркаклар 43,6 минг нафарни ташкил этиб, шундан, хўжаликлар сони 17255 тани ҳамда оиласалар сони 22161 тани ташкил этмоқда.**

Шунингдек, шаҳарда **аҳоли жон бошига** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми **1280,5 минг сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **295,4 минг сўмга**, истеъмол товарлари хажми **1085,4 минг сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг хос даврига нисбатан **176,4 минг сўмга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **225,9 минг сўмни**, жами хизматлар **1820,4 минг сўмни**, пуллик хизматлар **1095,5 минг сўмни**, чакана савдо айланмаси **3398,8 минг сўмни ташкил қилмоқда**. Мазкур кўрсаткичларнинг барчасида ўтган йилнинг хос даврига нисбатан **10-12 фоиз** миқдорида ўсиш кузатилган.

**Мехнат баланси.** Умумий шаҳар аҳоли сони **87,3 минг нафар**, шундан, меҳнат ресурслари **49,3 минг нафарни**, иктиносий фаол аҳоли **37,2 минг нафарни**, ишсизлар **2,4 минг нафарни**, расмий ишсизлик даражаси **2,7 %** ни ташкил килади.

**Бандлик.** Жорий йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва янги иш ўринлари яратиш худудий дастури доирасида жами **4071** та янги иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, ўтган **январ-ноябр** ойларида **4077** та янги иш ўринлари яратилиб, режага нисбатан **100,1** фоизга бажарилди.

Шундан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3506-сонли қарори билан тасдиқланган 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига асосан Каттақўрғон шаҳар худудий Бандлик дастури доирасида **1148** та янги иш ўринлари ташкил этилиши режа этиб белгиланган бўлиб, амалда ўтган **январ-декабр ойларида 1048 тага** (*режса январ-ноябр ойлари-1054 та*) бажарилиб, режага нисбатан **100,3** фоизга амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига қилган ташрифи давомида берган топшириқлари ва Пастидарғом туманида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнининг 2-бандига мувофиқ, Каттақўрғон шаҳрида 2018 йилда барча йўналишларда **2923** та янги иш ўрни яратиш юзасидан қўшимча режа топшириғи берилган бўлиб, ўтган **январ-декабр ойлари якуни** билан **2923 тага**, режага нисбатан **100,0** фоизга бажарилди.

**2019 йил учун.** Худудий дастур доирасида барча йўналишлар бўйича **1376** та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

### **Инвестиция**

2018 йилда белгиланган дастурларни амалга оширилиши натижасида 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига **1421,7** минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилган.

#### **Жумладан секторлар кесимида:**

1 сектор (шаҳар ҳокими) бўйича жами бўлиб, **500,4** минг АҚШ доллар,

2 сектор (шаҳар прокурори) бўйича жами бўлиб, **160,1** минг АҚШ оллар,

4 сектор (шаҳар ДСИ) бўйича жами бўлиб, **761** минг АҚШ доллар миқдорида хорижий инвестиция киритилган.

Жорий йилнинг апрел ойида 1-сектор раҳбари (Шаҳар ҳокими) худуидаги “**CLASSIC MOTOR**” маъсулияти чекланган жамиятига Хитой давлатида руйхатдан ўтган “**SHANGQIU SIHAI ENERGY TECHNOLOGY Co.LTD**” (маъсулияти чекланган

жамият) томонидан 500,4 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилди. Бугунги кунда “**CLASSIC MOTOR**” маъсулияти чекланган жамияти томонидан ушбу лойиха ишга тушурилиши арафасида;

Жорий йилнинг апрел ойида 4-сектор раҳбари (ДСИ бошлиғи) ҳудуидаги «**Каттакўрғон чарм**» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига корхона таъсисчилари яъни Ўзбекистон томонидан фуқаро Исломов Икром ва Исломов Умрзоқ ҳамда Хитой томонидан “**CHANTSINSINSYAN**” савдо компанияси ҳамкорлигига корхонага жами қиймати 761,0 минг АҚШ долларлик терини қайта ишлашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар киритилди. Бугунги кунда ушбу лойиха тўлиқ ишга туширилди.

Жорий йилнинг июнъ ойида 2-сектор раҳбари (Шахар прокурори) ҳудуидаги “**Metall Solution Technologies**” маъсулияти чекланган жамиятга 2018 йилнинг июн ойида Хитой давлатидан руйхатдан ўтган “**HUA YING (HONGKONG) INDUSTRY CO,LTD**” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан жами қиймати 160,1 минг АҚШ доллари миқдорида металлга ишлов беришда қўлланиладиган асбоб ускуна шаклида киритилган. Бугунги кунда ушбу лойиха бўйича Хитой давлатидан келтирилган асбоб ускуналар ўрнатилган ва лойиха тўлиқ ишга туширилган.

### **Курилиш.**

2018 йилда “Обод қишлоқ” дастурига шаҳар ҳокими (М.Хашимов), секторида жойлашган “Навбаҳор” МФЙ ва шаҳар прокурори (Ш.Джумаев) сектори ҳудудида жойлашган “Дустлик” МФЙ танлаб олинди

Шаҳар ҳокимининг қарори билан “Навбаҳор” МФЙ да сектор раҳбари шаҳар ҳокими бошчилигига 25 кишидан иборат, “Дустлик” МФЙ да сектор раҳбари шаҳар прокурори бошчилигига 25 кишидан иборат доимий ишловчи ишчи гуруҳ ва штаб ташкил қилинди.

Шаҳарда Дўстлик ва Навбаҳор МФЙларда **6235** нафар аҳоли, **1765** та оила, **1687** та хонадон, **1** та умумтаълим мактаби, **2** та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, ишчи гуруҳ аъзолари ушбу маҳаллалардаги аҳоли хонадонларини тўлиқ хатловдан ўtkазиб, йўл қурилиши, электр таъминоти, табиий газ таъминоти, тоза ичимлик суви ва инфратузилма обьектлари қурилишидаги мавжуд муаммоларни аниқлашган.

Мазкур ишлар Дўстлик маҳалласида “Меморқурилишлойиха” МЧЖ ва Навбаҳор маҳалласида “Армас” МЧЖ томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, лойиха смета хужжатлари асосида олиб борилмоқда. Маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилган.

**Дастур доирасида бугунги кунга қадар қуийдаги ишлар амалға оширилген.**

Дастур доиравида **15** та якка тартибдаги уй жойлар таъмирланди ушбу ишларни бажарилишига ташаббускор ҳомийлар томонидан **118,0** млн сўмдан зиёд маблағлар сарфланди. **45** та қўп қаватли уйларда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. (**4,0 млрд.сўм**). Дўстлик маҳалласига **2** та умумий хожатхона қуриб фойдаланишга топширилди. Кўп қаватли уйлар атрофига **4** та янги болалар майдончалари қурилди. **2** та МТМ мукаммал таъмирланди (16 ва **19** МТМ (**2,9 млрд.сўм**) **6,5** км янги ичимлик сув тармоғлари тортилди **1** донда янги сув иншооти қуриб фойдаланишга топширилди (**841,3 млн.сўм**). **7,6** км. Электр сип кабеллар тортилди **6** дона трансформатор таъмирланди **1** та янги трансформатор ўрнатилди.

**2,2** км газ тармоғи ва **22** дона ГТҚлар таъмирланди **5** км ички йўллар таъмирланди (**2,0 млрд.сўм**) **86** дона замонавий тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Навбаҳор маҳалла гузари ташкил қилинди. (**280,0 млн.сўм**) Бозор инфратузилма обьектларини яхшилаш мақсадида **2** та сарторошхона **2** та минимаркет **1** та аёллар гўзалик салони **1** та тикув цехи **1** та Уй-рузғор ва офес мебеллари, МДФ, АКВА эшик-ромлар ишлаб чиқариш цехи фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу орқали **34** та фуқаролар доимий иш билан таъминланди.

**Шунингдек, “Обод маҳалла” дастурига 2019 йилда** Каттакўргон шаҳридаги “Гўзалкент”, “Ғ.Мачит” ва Ингичка қўрғонидаги “Каттакўргон” маҳаллалари киритилган бўлиб дастур доиравида **2** та умумтаълим мактаблари (**3, 12**), **6** та МТМ ларини таъмирлаш (**10, 12, 23, 9, 13, 14**) ва **1** та янги МТМ қуриш белгилаб олинган. Бундан ташқари **3,8** км.пиёдалар йўлаклари **3,0** км ирригация тизимларини қуриш, **4,9** км ичимлик суви тармоғларини реконструкция қилиш, **1,8** км электр тармоғларини таъмирлаш **2,3** км газ тармоғларини таъмирлаш, **4** та чиқинди йиғиши майдончаларини қуриш, **296** дона замонавий тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш **7,9** км ички йўлларни жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.